5	«Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» МВ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 19.02.2007 й.да 1238-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган)  Қарор билан Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, йўриқноманинг ҚҚС бўйича имтиёзлар келтирилган 25-бандида қуйидаги позициялар ўзгартирилди: - 5-кичик банднинг биринчи хатбошисидан қимматли қоғозларни сақлаш бўйича хизматлар ҳам ҚҚС тўлашдан озод қилинди. Қимматли қоғозларни тайёрлаш операцияларига солиқ солинадиган айланмаларга киритилди (қимматли қоғозларни сақлаш хизматлари бўйича имтиёз Президентнинг 27.09.2006 й.даги ПҚ-475-сон қарори билан жорий қилинган эди); - 14-кичик банд аниқлаштирилди - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан (илгари илмий-техника дастурлари доирасида давлат контрактлари бўйича эди) бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҚҚСдан озод қилинади. Тегишли молия органининг давлат бюджетидан маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳулосаси ушбу имтиёзни олиш учун асос бўлиб ҳисобланади (Йўриқнома Солиқ кодексига (кейинги ўринларда - СК) мувофиқлаштирилади, унга мазкур ўзгартиришлар ЎзРнинг 2.01.2007 й.даги ЎРҚ-75-сон қонуни билан киритилган эди); - имтиёз бериладиган тиббий (ветеринария) хизматлар (косметология хизматлари бундан мустасно), тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган дори-дармон воситалари ва буюмларни, шу жумладан, мазкур восита ва буюмларни ишлаб чиқарувчилар томонидан уларни сотиш айланмалари алоҳида ажратилди (Йўриқнома СКга мувофиқ келтирилди, унга мазкур ўзгартиришлар ЎзРнинг 29.12.2006 й.даги ЎРҚ-74-сон қонуни билан киритилган эди). Тиббий хизматларга тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизмати, диагностика, профилактика ва даволаш, гинеопатик, стоматологик хизматлар, тиш-протез қўйиш бўлимлари ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчиларнинг тиббий комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария-эпидемиология қарши йўналишдаги лаборатория ва бўлимлар ҳамда бошқа тиббий-санитария йўналишдаги муассасалар кўрсатадиган хизматлар киритилди. Ветеринария хизматларига ҳайвонларни (моллар, қушлар, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқлар, асаларилар, зоология парклари, виварийлардаги ҳайвонлар ва ҳ.к.) касалликлардан ҳимоя қилиш ва уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, кишиларнинг ҳайвонлар ва одамга хос бўлган касалликлар билан касалланишининг олдини олиш бўйича, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринар-санитария муаммоларини ҳал этиш бўйича тадбирлар киритилди; - ўзи етиштирган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини сотиш бўйича айланмаларга доир ҚҚСни тўлаш бўйича имтиёз жорий этилди (Йўриқнома СКга мувофиқлаштирилди, унга мазкур ўзгартиришлар ЎзРнинг 29.12.2006 й.даги ЎРҚ-74-сон Қонуни билан киритилган эди).
6	Ўзбекистон Республикасининг 12.07.2007 й.даги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонуни ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-101-сон Қонуни  СКнинг 71-моддасига ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича – телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматларнинг қиймати ҚҚС тўлашдан озод қилиниши тўғрисида қўшимча киритилди (мазкур имтиёз ЎзР Президентининг 21.11.2006 й.даги ПҚ-513-сон қарори билан жорий этилган эди).
7	Президентнинг 12.07.2007 й.даги «Банкларнинг капиталлашуви янда ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-670-сон қарори  Қарор билан тижорат банклари ўз филиалларига товар-моддий бойликлар, даромадлар ва бошқа ресурсларни берганда ҚҚС тўлашдан озод қилинди.
8	Ўзбекистон Республикасининг 23.07.2007 й.даги «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳада айрим қонуни ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-104-сон Қонуни

Т/р	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
	СК 71-моддаси «Қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш»дан «қимматли қоғозларни сақлаш» чиқариб ташланди, тегишнча, қимматли қоғозларни сақлаш бўйича хизматлар ҚҚСдан озод қилинади (мазкур хизматлар ЎзР Президентининг 27.09.2006 й.даги ПҚ-475-сон қарори билан ҚҚСдан озод қилинган эди).
9	Президентнинг 29.10.2007 й.даги «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сон Фармони  Фармонга мувофиқ қуйидагилар ҚҚС тўлашдан озод этилди: Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармаси; 2008-2012 йиллар мобайнида Жамгарма маблағлари ҳисобидан сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар; ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга - бўшайдиган маблағлар мелiorация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда.
10	«Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида» МВ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 30.10.2007 й.да 1238-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган)  Йўриқноманинг 25-банди 37-кичик банди «телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматларнинг қиймати» билан тўлдирилди (мазкур имтиёз ЎзР Президентининг 21.11.2006 й.даги ПҚ-513-сон қарори билан жорий этилган эди).

## ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ТОВАРЛАР БЎЙИЧА АКЦИЗ СОЛИГИ

Т/р	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
1	Президентнинг 18.12.2006 й.даги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарори  Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган нефть маҳсулотларига акциз солиғи ставкалари пасайтирилди: бензин – 45%дан 28%га; дизель ёқилғиси – 40%дан 25%га; авиакеросин – 20%дан 8%га. Республикада ишлаб чиқариладиган қуйидаги маҳсулотларга акциз солиғи ставкалари оширилди: пиво – маҳсулотдаги этил спирит улушига қараб 25 - 30%га; табiiй газ – 19%дан 25%га.
2	«Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркарларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» МВ, ДСҚ ва ДБҚнинг қарори (АВ томонидан 3.02.2007 й.да 1320-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)  Қарор билан «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркарларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, қуйидагилар белгиланди: - акциз маркарлари ҳар 2 йилда янгиланиши лозим; - эски намунадаги акциз маркарли алкогольли ва тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудда сотишга янги намунадаги акциз маркарлари жорий этилган кундан бошлаб олти ой мобайнида рухсат берилди; - эски намунадаги акциз маркарли ёпиштирилган алкогольли ва тамаки маҳсулотлари қолдиқларига савдо ташкилотлари корхоналар - ёпиштирилган акцизланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган тартибда «MUSODARA QILINGAN» деб ёзилган ва тегишли код рақамлари бўлган янги намунадаги акциз маркарларининг тегишли миқдорини харид қилишга бюортрманома тақдим қилишлари керак.
3	«Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркарларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» МВ, ДСҚ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 13.02.2007 й.да 589-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)  Қарор билан Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркарларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди. Ўзгартиришлар бюортрма, тўлов, ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган тамаки ва алкогольли товарларга акциз маркарларини олиш тартибига тааллуқлидир. Акцизли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар «Давлат белгиси» ДИЧБнинг Тошкент босма фабрикаси банк ҳисобварағига алкогольли ичимлик учун акциз маркарларининг бюортривлаётган миқдори номинал қийматининг 50 фоизини ва тамаки маҳсулотлари учун акциз маркарларининг тўлиқ номинал қийматини ўтказишлари керак. Тўлов амалга оширилгандан кейин акциз маркарларининг зарур миқдорини харид қилишга бюортрманома асли нухсаси тақдим этилади.
4	«Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» қарори (АВ томонидан 28.03.2007 й.да 1325-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган)  Қарор билан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, маҳсус низом қабул қилинганлиги муносабати билан акциз солиғининг бир қисмини маҳсус ҳисобвараққа ўтказишга тааллуқли бандлар чиқариб ташланди (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 28.03.2007 й.да 1666-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёг-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг маҳсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қараган).
5	Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёг-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг маҳсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 28.03.2007 й.да 1666-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)  Низом ўсимлик (пахта) ёғи (саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ бундан мустасно) ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан акциз солиғининг бир қисмини Ёг-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг маҳсус ҳисобварағига ўтказиб бериш тартибини белгилайди. Маҳсус ҳисобварақдан маблағлар ёг-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси кафолати асосида жалб этилган кредитларини сўндиришга йўналтирилади.



Корхона ва ташкилотлар молия-ҳўжалик операцияларининг ҳисоби ва уларга солиқ солиқдаги барча ўзгартиришлар ҳақида босишга тайёрланган «Йиллик ҳисобот-2007» қўлланмасида батафсил баён этилади. Бу қўлланма Ўзбекистонда туртинчи марта йиллик ҳисоботга маҳсус тайёрланган. Ундаги корхона активлари, маблағлар манбалари ва мажбуриятларининг ҳисоби бўйича берилган тушунтиришлар баланс сатрларига мувофиқ баён қилинган.

«Йиллик ҳисобот-2007» китобига «Норма» нашриётида (Тошкент ш. Навоий кўч., 22) бюортрма берилиш мўҳлати Кўшимча маълумотлар қуйидаги телефонлар бўйича: 132-18-80, 144-44-29.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ:**

- «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»;
- «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»;
- «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;
- «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»;
- «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида».

● **ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

- «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2008 год» (кўчирмалар).

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ** – «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Корея Республикасидаги меҳнат фаолияти даврида тўланган пенсия ажратмаларини олишда уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

- ЎзР МББ, ДБКнинг «Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;

- ЎзР молия вазирининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

● **МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 24 НОЯБРДАН 7 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### «ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган.

(«Халқ сўзи», 2007 йил, 8 декабрь, 243 (4396)-сон)

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 269-модда; 1997 йил, N 4-5, 126-модда; 1998 йил, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 5, 112-модда; 2001 йил, N 5, 89-модда; 2002 йил, N 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 5, 152-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 27-модданин**г иккинчи қисмидаги «етти ҳисса» деган сўзлар «саккиз ҳисса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 31-модданин**г бешинчи қисмидаги «етти ҳиссасидан» деган сўзлар «саккиз ҳиссасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 7 декабрь  
N ЎРҚ-119.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### «ЖАМОАТ ФОНДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 24-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 6 сентябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган.

(«Халқ сўзи», 2007 йил, 8 декабрь, 243 (4396)-сон)

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги 527-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил N 9-10,

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ  
ОРГТЕХНИКА

T&T

171-00-57, 142-65-50

www.texnika.uz

info@texnika.uz

141-модда) **24-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Мазкур чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан

эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 7 декабрь  
N ЎРҚ-121.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ

**«ТАБИЙ МОНОПОЛИЯЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 октябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган.

(«Халқ сўзи», 2007 йил, 8 декабрь, 243 (4396)-сон)

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Табиий монополиялар тўғрисида**»ги 398-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган 815-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, N 9, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, N 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«транспорт терминаллари хизматлари»;

2) **10-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«табиий монополиялар тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади»;

**учинчи – тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи – ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **11-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Назорат вазифаларини амалга ошириш чоғида монополияга қарши орган томонидан олинган материаллар, шу жумладан табиий монополия субъектлари фаолиятини текшириш ва таҳлил қилишга доир материаллар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатлари ҳамда прокуратура органларининг тақдимномалари табиий монополиялар

тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлади»;

4) **14-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Табиий монополиялар субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

реализация қилинган товарлар ҳақини тўлашни таъминламаётган истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рад этиш;

табиий монополия шароитларида реализация қилинадиган товарлар нархларини (тарифларини) ваколатли органни хабардор қилган ҳолда, барча истеъмолчилар учун бир вақтнинг ўзида пасайтириш»;

5) **15-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«нархлар (тарифлар) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражалари тасдиқланаётганда ҳисобга олинандиган асосий воситаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида харид қилиш;

табиий монополия шароитларида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун амалга ошириладиган тўғридан-тўғри харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 7 декабрь  
N ЎРҚ-120.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ

**НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО  
КОНВЕНЦИЯНИ (ПАРИЖ, 2003 ЙИЛ 17 ОКТАБРЬ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ  
ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 ноябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган.

(«Халқ сўзи», 2007 йил, 13 декабрь, 246 (4399)-сон)

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри  
2007 йил 12 декабрь,  
N ЎРҚ-122.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА  
ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 20 ноябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган.

(«Халқ сўзи», 2007 йил, 14 декабрь, 247 (4400)-сон)

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 269-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 11, 23-моддалар, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 12, 418-модда; 2006 йил, N 6, 261-модда; 2007 йил, N 4, 166-модда, N 6, 248, 249-моддалар, N 9, 422-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **332-модданинг учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши кўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилади.

Ишларни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг

ажрими билан амалга оширилади»;

2) **351-моддаси** куйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узокроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади. Бунда қолган жиноят ишлари бўйича иш юритиш муддати узокроқ тергов қилинган ишнинг муддати билан қамраб олинади ва қўшимча равишда ҳисобга олинмайди.

Алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати, агар жиноят иши янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади. Қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша жиноят иши кўзғатилган пайтдан эътиборан ҳисобланади»;

**иккинчи – олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи – саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри

2007 йил 13 декабрь,  
N ЎРҚ-123.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ  
542-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ  
КОДЕКСИНИНГ 61-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган.

(«Халқ сўзи», 2007 йил, 14 декабрь, 247 (4400)-сон)

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 269-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 11, 23-моддалар, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 12, 418-модда; 2006 йил, N 6, 261-модда; 2007 йил, N 4, 166-модда, N 6, 248, 249-моддалар, N 9, 422-модда) **542-моддаси:**

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмуриятнинг йўлланмаси бўйича ўзи туриши лозим бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумни манзил-колониядан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги масала прокурорнинг илтимосномасига биноан кўриб чиқилади. Маҳкумнинг судда ҳозир бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда

мазкур масала суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Бунда маҳкумни қамоққа олиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши керак»;

**иккинчи – олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, N 6, 175-модда; 2003 йил, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, N 6, 248-модда, N 9, 422-модда) **61-моддасининг учинчи қисмидаги** «537-моддасига» деган сўзлар «537-моддаси ва 542-моддасининг иккинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри

2007 йил 13 декабрь,  
N ЎРҚ-124.

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
О ПРОГНОЗЕ  
ОСНОВНЫХ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ  
И ПАРАМЕТРАХ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА 2008 ГОД\*\***

(Кўчирма)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 12 декабрдаги  
ПҚ-744-сон қарорига  
7-ИЛОВА

**Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи  
СТАВКАЛАРИ**

N	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %да солиқ ставкалари
1	Юридик шахслар (2-3-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	10
2	Тижорат банклари	15
3	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шунингдек норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тadbирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
4	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотларидан ташқари) экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30% га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50% га пасайтирилади
5	1-бандда кўрсатилган хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўллаб ҳақ тўлангани кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10% га пасайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ  
СТАВКАЛАРИ**

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Олти баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 18 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 25 фоиз

**Изоҳ:**

1. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ суммасини ҳисоблаш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб боровчи яқун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақи суммаси).

2. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиладиган, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисобланадиган ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига  
9-ИЛОВА

**Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун  
(савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари)  
ягона солиқ тўлови  
СТАВКАЛАРИ**

N	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-6-бандларда кўрсатиб ўтилганлари бундан мустасно	8*

\*\*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги ПҚ-744-сон қарорига иловалар тахририят томонидан ўзбекчага ўтирилди.

N	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан %да
2	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5
3	Қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий фаолияти бўйича, ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	6
4	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
5	Тайёрлов ва таъминот-сотиш ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33**
6	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
7	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотларидан ташқари) экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун:	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгачани	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
8	Маиший хизматлар соҳаси корхоналари учун пластик карталарни қўллаган ҳолда ҳақи тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

\* Мол-мулкни молиявий ижара (лизинг)га бераётган корхоналар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

\*\* Ҳақ (ялпи даромад) суммасига нисбатан фоизларда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига  
9-1-ИЛОВА

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар  
ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг  
СТАВКАЛАРИ**

N	Солиқ тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкаси, % да
1	Умумий овқатланиш корхоналари	10
	улардан: умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	8
2	Чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари):	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда жойлашган	1
3	Улгуржи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)*	5
4	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда жойлашган	1
5	1, 2 ва 4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун (улгуржи дорихона ташкилотларидан ташқари), пластик карталарни қўллаган ҳолда ҳақи тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

\* Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимида кирувчи республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалари бундан мустасно. Улар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 июндаги «Ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» ПҚ-374-сон қарорининг амал қилиши сақлаб қолинади.

**Айрим турдаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови  
СТАВКАЛАРИ**

N	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1	Лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (мазкур фаолият тури доирасида)	33
2	Хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар	50

**Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари  
бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ  
СТАВКАЛАРИ**

N	Фаолият тури	Солиқ тўловчилар	Мазкур фаолият турини характерловчи физик кўрсаткичлар	Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақиға бирлик учун қаррали миқдорларда)		
				Тошкент шаҳри	вилоятлар- даги шаҳарлар	туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари
1	Автотранспортни қисқа муддат сақлаш жойлари	юридик шахслар	эгаллаган майдон (1 кв.метр)	0,1	0,09	0,06
2	Болалар ўйин автоматлари	юридик ва жисмоний шахслар	жиҳозланган ўринлар сони (бир бирликда)	3,0	2,0	1,0
3	Бильярдхоналар	юридик ва жисмоний шахслар	жиҳозланган ўринлар, столлар сони (бир бирликда)	14,0	12,0	10,0

**Изоҳ:**

Тақдим этилган қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланган ҳолатда бу ҳол солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сифатида қаралади.

**Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан  
шуғулланадиган жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ  
СТАВКАЛАРИ**

N	Фаолият тури	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорларда)		
		Тошкент шаҳри	вилоятдаги шаҳарлар	Туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари
1	Чакана савдо: озиқ-овқат товарлари билан деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан* ноозиқ-овқат товарлари билан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан (турғун шохобчалардаги аралаш савдо)	12,0 7,0 13,5 13,5	7,5 5,5 9,0 9,0	4,0 3,0 4,5 4,5
2	Маиший хизматлар, 3-бандда кўрсатилганларидан ташқари	7,5	3,0	1,5
3	Сартарошлик хизматлари кўрсатиш, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар	8,5	4,5	3,0
4	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш	4,5	3,5	2,0
5	Бошқа фаолият турлари, мол-мулкни ижарага беришдан ташқари	5,0	3,0	1,5
6	Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар: 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	7,0 12,0 17,5	5,5 9,5 13,0	4,0 7,5 12,0

\*Уй хўжалиги (шу жумладан, деҳқон хўжалиги)да парваришланган, ҳам тирик кўринишдаги, ҳам уларни сўйиб, хом ва қайта ишланган кўринишдаги маҳсулотлар сифатида ҳайвонлар (чорва моллари, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар қушлари, балиқлар ва бошқалар), чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини (натура ва қайта ишланган кўринишда декоратив боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотларидан ташқари), саноатда қайта ишлашдан ташқари, сотиш бундан мустасно.

Солиқ солишдан озод этиш солиқ тўловчи томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, боғдорчилик, боғдорчилик-полизчилик ширкатлари бошқаруви томонидан берилган ҳамда сотилган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёхуд унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида амалга оширилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этиш шарти билан амалга оширилади.

**Изоҳ:**

**1. Жисмоний шахс:**

- а) бир неча фаолият тури билан шуғулланса, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида солиқ тўлайди;
- б) тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналар ва бинода амалга оширса, яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этиши шарт;
- в) давлат рўйхатидан ўтказилмаган жойда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, солиқни рўйхатдан ўтказилган жойда ва фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жойда белгиланган ставкалар орасида энг юқори ставка бўйича рўйхатдан ўтказилган жойда тўлайди.

2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига 8-иловада белгиланган ставкалар бўйича жисмоний шахслар даромадларига солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига  
12-1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган  
акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи  
СТАВКАЛАРИ**

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан фоизларда	бир ўлчов бирлигига сўмларда
1. Этил спирти (1 дал учун)		1410
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун) <sup>1</sup>		3000*
3. Коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун) <sup>1</sup>		11300*
4. Таркибида фоизларда ҳажмий улушда этил спирти (алкоғоль) бор пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун) <sup>1</sup> :		
4,5 гача (бу миқдор ҳам ҳисобга олинади)		1000
4,5 дан юқори – 6,0 гача (бу миқдор ҳам ҳисобга олинади)		1300
6,0 дан юқори		2200
5. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун) <sup>1</sup> :		
озиқ-овқат ёғи (саломас ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ ва “Ўзбекистон” ёғидан ташқари);		495 000 **
техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кўшишга яроқсиз бўлган)		329 000
6. Сигареталар (1 минг дона учун) <sup>1</sup> :		
Филтрли		5 206
филтрсиз, папиролар		1 476
7. Заргарлик буюмлари	25	
8. “ЎзДЭУавто” АЖ ишлаб чиқарган автомобиллар <sup>2</sup>	29	
9. Қумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
10. Қимматбаҳо металллар <sup>2</sup>		
11. Нефть маҳсулотлари <sup>1</sup>		
Аи-76, Аи-80 бензини (1 тонна учун)		148 000
Аи-91, Аи-92, Аи-93 бензини (1 тонна учун)		163 000
Аи-95 бензини (1 тонна учун)		188 000
дизель ёқилғиси (1 тонна учун)		130 000
авиакеросин (1 тонна учун)		18 700
12. Табiiй газ (аҳолига сотиладиган табiiй газ ҳажмларидан ташқари) <sup>2</sup>	25	
13. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ (“Ўзтрансгаз” АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан экспорт <sup>2</sup>	26	

\*а) Башарти акциз солиғи прогнозлари бажарилса ҳамда унга доир боқимондалар мавжуд бўлмаса, қонун ҳужжатларига мувофиқ акциз солиғи суммаси қуйидаги миқдорларда “Ўзвинсаноат-холдинг” холдинг компаниясини реконструкция қилиш ва ривожлантириш фонди ҳисобрақамига йўналтиради:

- винога белгиланган ставкадан 410 сўм (1 дал тайёр маҳсулот учун);
- коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотларга белгиланган ставкадан 710 сўм (1 дал тайёр маҳсулот учун);

б) Ҳажмий улушда этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 18 620 сўм миқдорида белгиланади.

**\*\* Акциз солиғи Давлат бюджетига 1 тонна учун 440 550 сўмлик ставка бўйича, қолган қисми эса – Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобрақамига ўтказилади.**

**Изоҳлар:**

1. Қатъий миқдорларда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. «ЎздЭУавто» АЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газ, шунингдек қимматбаҳо металлларга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига  
12-2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб  
келинадиган акцизли товарларга акциз солиғи  
СТАВКАЛАРИ**

Товар гуруҳининг рақами	Товарларнинг номи	ТИФ ТН бўйича товар коди	Товарнинг боғжхона қийматидан фоизларда ёки АҚШ долларарида, ўлчов бирлиги учун
02	Қорамол гўшти	0202	20
	Уй паррандасининг гўшти ва озуқабоп маҳсулотлари	0207	70
04	Куйилтирилган ёки шакар қўшилган ёки шакар қўшилмаган сут ва сливклар	0402 91, 0402 99	20
	Пахта, ёғи олинган сут ва сливклар, йогурт, кефир	0403	50
	Пишлоқ ва творог	0406	50
	Паррандалар (наслдорларидан ташқари) тухуми	0407 00	20
	Табиий асал	0409 00 000	10
08	Янги узилган олма, нок ва беҳи	0808	100
09	Қовурилган ёки қовурилмаган, кофеинли ёки кофеинсиз кофе; кофе пўчоғи ва кофе уруғи дончалари; таркибида турли нисбатда кофе бўлган кофе ўрнини босувчилар	0901	20
	Хушбўй таъмли қўшимчалар қўшилган ёки қўшилмаган чай	0902	10
10	Гуруч	1006	20
15	Ўсимлик ёғи ва оқ ёғ; тайёр озиқ-овқат ёғлари	1501–1517 (1501 00 110, 1502 00 100, 1503 00 110, 1503 00 300, 1505 00, 1507 10 100, 1507 90 100, 1508 10 100, 1508 90 100, 1511, 1512 11 100, 1512 19 100, 1513, 1514 11 100, 1514 19 100, 1514 91 100, 1514 99 100, 1515 19 100, 1515 21 100, 1515 29 100, 1515 30, 1515 50 110, 1515 50 910, 1515 90, 1516 20 950 дан ташқари)	15
16	Гўшт, балиқ ёки қисқичбақасимонлар, моллюскалар ёки бошқа сувда кўпаядиган умуртқасизлардан тайёрланган тайёр маҳсулотлар	1601, 1602 (1602 10 001 дан ташқари)	30
	Осётр увилдириғи; увилдирик ўрнини босувчилар	1604 30	50
17	Қаттиқ ҳолатдаги шакарқамиш ёки қанд лавлагидан тайёрланган шакар ва кимёвий тоза сахароза	1701 91 000, 1701 99	30
	Таркибида какао бўлмаган, шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари (шу жумладан оқ шоколад)	1704 (1704 10 дан ташқари)	30
	Резинка сақич	1704 10	70
18	Таркибида какао бўлган шоколад ва бошқа тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	1806 20–1806 90	30
19	Бошоқли ўсимликлар донлари, ун, крахмал ёки сутдан тайёрланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари; хамирли қандолат маҳсулотлари	1901–1905 (1901 10 000, 1901 90 990*, 1905 90 550 дан ташқари)	20
	Қотирилган нон (қоқ нон)	1905 40	40
	Экструдаланган маҳсулотлари (чипслар)	1905 90 550	30
20	Сабзавот, мева, ёнғоқ ёки бошқа ўсимлик қисмларининг қайта ишланган маҳсулотлари	2001 (2001 90 910 дан ташқари), 2002, 2004, 2005 (2005 10 001 дан ташқари), 2006 (2006 00 350, 2006 00 910 дан ташқари), 2007 (2007 10 101, 2007 10 911, 2007 10 991, 2007 99 930 дан ташқари)	30
	Мева ва сабзавот шарбатлари (ананас ва цитрус мевалар шарбатидан ташқари)	2009 (2009 11–2009 49, 2009 90 410, 2009 90 490, 2009 90 710, 2009 90 730, 2009 90 790 дан ташқари)	70%, лекин литри 1 АҚШ долларидан кам эмас
21	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари	2101, 2103, 2104 (2104 20 001), 2106 (2106 90 980 дан ташқари)	20
	Хамиртуриш;...; нон пишириш учун тайёр кукунлар	2102	50
	Музқаймоқ ва бошқа озиқ-овқат музи турлари	2105 00	200
	Шакар қўшилмаган резинка сақич	2106 90 980	70

Товар гуруҳининг рақами	Товарларнинг номи	ТИФ ТН бўйича товар коди	Товарнинг божхона қийматидан фойзларда ёки АҚШ долларидан, ўлчов бирлиги учун
22	Сув, шу жумладан табиий ёки сунъий маъданли, газланган, қўшимча қўшилган ёки шакар ёки бошқа ширин қилувчи ёхуд хушбўй ҳид берадиган моддалар қўшилмаган сувлар; муз ва қор ҳамда бошқа алкоғолсиз ичимликлар, 2009-товар позициясидаги мева ёки сабзавот шарбатларидан ташқари	2201, 2202	100%, лекин литри 1 АҚШ долларидан кам эмас
	Солод (ширинмия) пивоси	2203 00	70%, лекин литри 1 АҚШ долларидан кам эмас
	Вино	2204 10, 2204 21, 2204 29, 2205	1 литри учун 6 АҚШ доллари
	Ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар	2206 00, 2208 60, 2208 90, 2208 (2208 20 120, 2208 20 620 дан ташқари)	1 литри учун 7 АҚШ доллари
	Этил спирти (ставка фақат транзит пайтида гаров тўловларини ҳисоблаш учун қўлланилади)	2207	65%
	Коньяк	2208 20 120, 2208 20 620	1 литри учун 14,5 АҚШ доллари
23	Мушуклар ва итлар учун озиқ, чакана сотиш учун қадоқланган; ҳайвонларни боқишда ишлатиладиган бошқа маҳсулотлар	2309 10, 2309 90	70
24	Сигаралар, кесма учли сигаралар, таркибида тамаки бўлган сигариллалар	2402 10	донаси 0,3 АҚШ доллари
	Тамаки ёки унинг ўрнини босувчилардан тайёрланган сигареталар	2402 20, 2402 90	1000 донаси 10 АҚШ доллари
25	Ишлов берилмаган мрамор, травертин	2515 11, 2515 12	20
	Гипс; ангидрит; қурилиш учун ва бошқа сувоқлар	2520	30
27	Битуминоз жинслардан олинган нефть ва нефть маҳсулотлари	2710 (2710 11, 2710 19 дан ташқари)	20
	енгил дистиллятлар	2710 11	30
	ўртача ва оғир дистиллятлар	2710 19	30
28	Динатрий карбонати	2836 20 000	30
30	Момик пахта, дока, бинт ва шу каби маҳсулотлар...	3005 90	30
32	Дисперсияланган ёки сувли ва сувсиз муҳитда эриган синтетик полимерлар ёки кимёвий бириккан табиий полимерлар асосидаги бўёқлар ва лаклар (эмал, политуралар ва елим бўёқлари билан бирга)...; терига ишлов беришда ишлатиладиган тайёр сув пигментлари	3208, 3209, 3210 00	30
	Ойнага ва боғларда ишлатиладиган замаскалар, қатронли цементлар, зичлашда фойдаланиладиган таркиблар ва бошқа мастиклар, бўёқчиликда ишлатиладиган шпатлёвкалар	3214	30
33	Парфюмерия, косметика ёки пардоз воситалари	3303, 3304	50
Зарафшон	2 744 761	2 246 987	1 934 294		24,4	19,8	17,9	
Когон	2 612 891	2 123 950	1 811 256		23,0	19,8	16,6	
Қорасув	2 659 466	2 170 514	1 856 156		24,4	19,8	16,6	
Қарши	3 577 558	3 239 945	2 750 971	2 488 168	31,7	30,6	25,9	22,2
Косонсой	2 637 871	2 148 880	1 834 505		23,0	19,8	16,6	
Каттақўрғон	3 100 232	2 611 262	2 222 052		27,4	23,0	19,8	
Қўқон	3 683 994	3 346 391	2 857 420	2 594 614	33,8	30,6	25,9	23,0
Қува	2 606 238	2 117 290	1 804 610		24,4	19,8	16,6	
Қувасой	2 606 238	2 117 290	1 804 610		24,4	19,8	16,6	
Қўнғирот	2 614 578	2 173 801	1 824 566		24,4	19,8	16,6	
Марғилон	2 970 514	2 481 522	2 092 338		26,5	22,2	19,0	
Навой	3 642 455	3 304 784	2 815 847	2 551 385	33,8	30,6	25,9	23,0
Наманган	4 467 408	4 191 300	3 915 220	3 691 241	41,0	37,8	35,5	33,8
Нукус	3 619 151	3 281 546	2 792 522	2 529 388	33,8	30,6	25,9	23,0
Самарқанд	4 565 542	4 291 099	4 015 012	3 700 674	41,0	38,8	37,1	33,8
Сирдарё	2 513 101	2 020 788	1 711 469		23,0	19,8	15,5	
Тахياتош	2 905 614	2 416 673	2 027 436		27,4	23,0	19,8	
Термиз	3 249 935	2 762 618	2 378 412		30,6	25,9	22,0	
Тўрткўл	2 513 101	2 020 788	1 711 469		23,0	19,8	15,5	
Урганч	3 692 342	3 329 268	2 865 694	2 602 955	33,8	31,3	25,9	23,0
Ургут	2 736 011	2 246 987	1 934 294		24,4	19,8	17,9	
Учкудук	2 564 696	2 075 694	1 763 014		23,0	19,0	15,5	
Учқўрғон	2 604 607	2 148 880	1 834 505		24,4	19,8	16,6	
Фарғона	3 684 002	3 346 391	2 857 420	2 594 614	33,8	30,6	25,9	23,0
Ғаққулобод	2 637 871	2 148 880	1 834 505		24,4	19,8	16,6	
Ғонобод	2 659 466	2 170 514	1 856 156		24,4	19,8	16,6	
Ғива	2 614 578	2 125 606	1 812 919		23,0	19,0	16,6	
Ғўжайли	3 051 972	2 536 423	2 128 913		26,5	23,0	19,0	
Чортоқ	2 637 871	2 148 880	1 834 505		24,4	22,0	16,6	
Чимбой	2 614 578	2 125 606	1 812 919		24,4	19,8	16,6	
Чирчиқ	3 808 775	3 476 131	2 982 160	2 719 331	34,9	31,3	26,5	24,4
Чуст	2 637 871	2 148 880	1 834 505		24,4	19,8	16,6	

Шаҳар, вилоят	Ундириладиган ер солиги ставкалари							
	юримдик шахслардан 1 га учун, сўм				якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер учун фуқаролардан 1 кв.м учун, сўм			
	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Шаҳрисабз	3 150 143	2 612 891	1 850 914		29,2	23,0	17,9	
Шаҳрихон	2 659 466	2 170 514	1 856 156		24,4	19,8	16,6	
Ширин	2 513 101	2 020 788	1 711 469		23,3	19,0	16,1	
Янгибод	2 731 016	2 242 015	1 929 329		24,4	19,8	17,9	
Янгиер	2 513 101	2 020 788	1 711 469		23,3	19,0	16,1	
Янгийўл	2 731 016	2 242 015	1 929 329		24,4	19,8	17,9	
<b>Бошқа кичик шаҳарлар</b>								
Қорақалпоғистон Республикаси:								
шимолий зона	2 059 074	1 661 537	1 408 726		19,0	15,5	12,5	
марказий зона	2 286 871	2 014 134	1 565 107		22,0	16,6	15,0	
жанубий зона	2 541 391	2 052 421	1 739 735		22,2	19,0	15,5	
Андижон	2 659 466	2 170 514	1 856 156		24,4	19,8	16,6	
Бухоро	2 612 891	2 123 950	1 811 256		23,3	19,0	16,6	
Жиззах	2 499 790	2 010 841	1 698 163		22,2	17,9	15,5	
Қашқадарё	2 864 074	2 375 075	1 985 892		25,9	22,0	17,9	
Навоий	2 564 696	2 075 694	1 763 014		23,3	19,0	15,5	
Наманган	2 637 871	2 148 880	1 834 505		24,4	19,8	16,6	
Самарқанд	2 736 011	2 246 987	1 934 294		24,4	19,8	17,9	
Сурхондарё	2 887 337	2 398 373	2 085 685		26,5	22,2	19,0	
Сирдарё	2 513 101	2 024 150	1 711 469		23,3	19,0	15,5	
Тошкент	2 731 016	2 242 015	1 929 329		24,4	19,8	17,9	
Фарғона	2 606 238	2 117 290	1 804 610		23,3	19,0	16,6	
Хоразм	2 614 578	2 125 606	1 812 919		23,3	19,0	16,6	
<b>Туман марказлари ҳисобланган қўрғонлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари</b>								
Қорақалпоғистон Республикаси:								
шимолий зона	1 661 537	1 408 726			15,5	12,8		
марказий зона	2 014 134	1 565 107			16,8	14,4		
жанубий зона	2 052 421	1 739 735			19,0	15,5		
Андижон	2 170 514	1 856 156			20,0	16,8		
Бухоро	2 123 950	1 811 256			19,0	16,8		
Жиззах	2 010 841	1 698 163			17,9	15,5		
Қашқадарё	2 375 075	1 985 892			21,1	17,9		
Навоий	2 075 694	1 763 014			19,0	15,5		
Наманган	2 148 880	1 834 505			20,0	16,8		
Самарқанд	2 246 987	1 934 294			20,0	17,9		
Сурхондарё	2 398 373	2 085 685			22,2	19,0		
Сирдарё	2 024 150	1 711 469			19,0	15,5		
Тошкент	2 242 015	1 929 329			20,0	17,9		
Фарғона	2 117 290	1 804 600			19,0	16,8		
Хоразм	2 125 606	1 812 919			19,0	16,8		

7-жадвал

**Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан  
фойдаланганлик учун юримдик шахслардан ундириладиган ер солиги  
СТАВКАЛАРИ**

Республика, вилоят	1 га учун ер солиги ставкалари, сўм				
	юримдик шахслар банд этган ер учун, зоналар бўйича		Лалми-яйлов	кон ва карьерлар банд этган ер учун, зоналар бўйича	
	Сугориладиган аҳоли пунктларида	Сугориладиган аҳоли пунктларидан ташқарида		Сугориладиган	Лалми-яйлов
Қорақалпоғистон Республикаси:					
шимолий	1 185 889	1 101 037	53 758	311 000	10 552
марказий	1 317 269	1 224 125	66 528	345 949	16 614
жанубий	1 463 627	1 360 487	73 195	382 482	19 957
Андижон	1 496 900	1 392 130	74 869	427 468	21 647
Бухоро	1 446 983	1 358 866	73 192	382 524	19 964
Жиззах	1 347 187	1 274 004	68 212	279 421	13 306
Қашқадарё	1 347 187	1 274 004	68 212	269 428	13 306
Навоий	1 397 099	1 322 232	69 842	332 644	16 616
Наманган	1 373 798	1 313 923	66 528	405 835	19 964
Самарқанд	1 580 039	1 450 325	79 837	505 619	24 932
Сурхондарё	1 729 742	1 563 428	86 496	655 294	33 270
Сирдарё	1 347 187	1 284 007	68 212	282 732	14 986
Тошкент	1 580 039	1 446 983	79 837	500 651	24 932
Фарғона	1 446 983	1 353 844	73 192	375 871	18 272
Хоразм	1 463 627	1 360 496	73 192	384 188	19 964

**Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан  
фойдаланганлик учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи  
СТАВКАЛАРИ**

Республика, вилоят	0,01 га учун ер солиғи ставкалари, сўм			жамоа боғдорчилиги ва полизчилигини юретишига берилган ерлар учун
	деҳқон хўжалигини юретишига берилган ерлар учун		лалми ерлар	
	сугориладиган зона			
	аҳоли пунктларида	аҳоли пунктларидан ташқарида		
Қорақалпоғистон Республикаси:				
шимолий	695,0	348,4	69,5	367,6
марказий	1 113,0	556,8	112,7	-
жанубий	1 236,5	618,1	124,1	454,7
Андижон	1 306,8	652,9	129,6	506,5
Бухоро	1 234,8	617,0	114,5	452,5
Жиззах	1 157,3	578,9	83,2	325,1
Қашқадарё	1 157,3	578,9	82,1	318,6
Навоний	1 201,3	600,4	99,2	394,1
Наманган	1 251,0	625,7	124,1	480,1
Самарқанд	1 319,6	659,9	152,9	596,8
Сурхондарё	1 422,7	711,6	199,8	777,1
Сирдарё	1 166,8	583,6	86,3	333,7
Тошкент	1 316,4	658,3	151,8	592,9
Фарғона	1 231,1	615,6	113,4	444,5
Хоразм	1 236,5	618,1	117,0	454,7

**18-иловага изоҳ:**

1. 7 ва 8-жадвалларда келтирилган ставкаларга ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қуйидаги коэффициентлар қўлланади: Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1,20, туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15, бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.

2. Деҳқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида 8-жадвалда келтирилган ставкаларга, ер сифатига боғлиқ ҳолда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75; тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0; тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

3. Урмон хўжаликларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

4. Шаҳар ва қўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ 5 ва 6-жадвалларда тегишли зоналар учун келтирилган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.

5. Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

6. Жамоавий ва шахсий гаражлар банд этган ер участкалари учун жисмоний шахслардан солиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ерлари учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига  
29-ИЛОВА

**Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим  
муассасалари ва мактаб-интернатларда болаларнинг бўлиши учун ота-оналар тўлайдиган  
тўлов миқдори**

N	Таълим муассасаси жойлашган жой ва болаларнинг бир кунлик бўлиши	Бир ойда энг кам иш ҳақиға нисбатан фоизларда	
		таълим муассасасига қатнайдиган оиладаги бир бола учун	таълим муассасасига оиладан биттадан кўп бола қатнаган тақдирда, ҳар бир бола учун
I.	Мактабгача болалар таълим муассасаларида		
	Мактабгача болалар таълим муассасаларининг 5 кунлик иш ҳафтасида		
1.	Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, вилоятга қарайдиган шаҳарлар болаларнинг қуйидаги вақт давомида бўлиши:		
1.1.	4-5 соат	43	31
1.2.	9-10,5 соат	100	71
1.3.	12 соат	117	84
1.4.	24 соат	130	93
2.	Туман марказлари ва бошқа жойлар болаларнинг қуйидаги вақт давомида бўлиши:		
2.1.	4-5 соат	31	28
2.2.	9-10,5 соат	70	64
2.3.	12 соат	83	75
2.4.	24 соат	92	83
	Мактабгача болалар таълим муассасаларининг 6 кунлик иш ҳафтасида		
1.	Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, вилоятга қарайдиган шаҳарлар болаларнинг қуйидаги вақт давомида бўлиши:		
1.1.	4-5 соат	53	37

N	Таълим муассасаси жойлашган жой ва болаларнинг бир кунлик бўлиши	Бир ойда энг кам иш ҳақиға нисбатан фоизларда	
		таълим муассасасига қатнайдиган оиладаги бир бола учун	таълим муассасасига оиладан биттадан кўп бола қатнаган тақдирда, ҳар бир бола учун
<b>Мактабгача болалар таълим муассасаларининг 6 кунлик иш ҳафтасида</b>			
1.2.	9-10,5 соат	121	85
1.3.	12 соат	141	101
1.4.	24 соат	159	113
<b>2. Туман марказлари ва бошқа жойлар</b>			
болаларнинг қуйидаги вақт давомида бўлиши:			
2.1.	4-5 соат	37	33
2.2.	9-10,5 соат	85	77
2.3.	12 соат	100	90
2.4.	24 соат	111	101
<b>II. Барча турдаги мактаб-интернатларда*</b>			
1.	Жойлашган жойи ва бўлган вақтидан қатъи назар	100	

\* Футбол бўйича мактаб-интернатлар; турли касалликлар билан касалланган болалар учун мактаб-интернатлар; кам таъминланган оилалардаги болалар учун мактаб-интернатлар; етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун мактаб-интернатлардан ташқари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ  
МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ДАВРИДА ТўЛАНГАН ПЕНСИЯ АЖРАТМАЛАРИНИ ОЛИШДА  
УЛАРГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЁРДАМ КўРСАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
Тўғрисида**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 48-49-сон, 482-модда)

Корея Республикасида ишлаб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан пенсия ажратмаларини олишда давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Корея Республикасида ишлаган хорижий фуқароларнинг пенсия ажратмалари, Корея Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Корея Республикаси Миллий пенсия хизматида тузиладиган рўйхатларга киритилган фуқароларнинг банкдаги шахсий ҳисобварағига қайтарилади.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг Корея Республикасида ишлаган даврида тўланган пенсия ажратмаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Корея Республикасининг Миллий пенсия хизмати томонидан тақдим этилган фуқаролар рўйхати асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қайтариладиган маблағларни олиш тартибини кўрсатган ҳолда уларга пенсия ажратмалари қайтарилиши тўғрисидаги шахсий билдиришномаларни йўлласин.

4. Давлат-акциядорлик Халқ банки мазкур рўйхатга киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун бошланғич маблағлар қўйилмаган ва тўловлар ундирилмаган ҳолда валюта ҳисобварақлари очилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан пенсия ажратмалари қайтарилишини расмийлаштириш учун юбориладиган зарур ҳужжатларни дипломатик каналлар орқали узатишга кўмаклашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси билан Халқ банки Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан пенсия ажратмалари оладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида Корея Республикасидаги иш давларини давлат пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига кўшиш учун мажбурий суғурта бадалларини Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 ноябрь  
ПҚ-738-сон.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 23 ноябрдаги ПҚ-738-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА УЛАРНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА  
ИШЛАГАН ДАВРИДА ТўЛАНГАН ПЕНСИЯ АЖРАТМАЛАРИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Корея Республикасида ишлаган даврида тўланган пенсия ажратмаларини Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан олишда уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш механизмини белгилайди.

2. Корея Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Корея Республикаси корхоналарида ишлаган даврда тўланган пенсия ажратмалари уларга қайтарилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан Корея Республикасида ишлаган ва қайтариладиган пенсия ажратмаларини олиш

ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар (кейинги ўринларда «фуқаролар» деб юритилади) рўйхатини олади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (кейинги ўринларда «Агентлик» деб юритилади) фуқароларнинг рўйхатлари асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан фуқаролар рўйхатини олган пайтдан бошлаб икки ҳафтада фуқаролар пенсия ажратмалари олиши тартибини тушунтирган ҳолда уларга шахсий ёзма билдиришномалар юборади.

5. Фуқароларнинг рўйхатлари, шунингдек Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан белгиланган сўровнома-ариза бланкаси шакллари ҳамда валюта ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжат улар олинган пайдан бошлаб икки иш куни мобайнида Агентлик томонидан Халқ банкининг ҳудудий бўлимлари эътиборига етказилади. Мазкур бўлимлар кўрсатиб ўтилган рўйхатларни икки иш куни мобайнида Халқ банкининг туман ва шаҳар филиалларига етказилади.

6. Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати рўйхатларига киритилган фуқароларнинг шахсий аризалари асосида ушбу фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича Халқ банкининг туман, шаҳар филиаллари белгиланган тартибда фуқароларга депозит валюта ҳисобварақлари очади.

Фуқароларга депозит валюта ҳисобварақлари очиш учун ушбу ҳисобварақларига олдиндан пул маблағлари қўйиш, шунингдек ҳисобварағи очилгани учун ҳақ тўлаш талаб қилинмайди.

7. Халқ банкининг туман, шаҳар филиаллари фуқарога депозит валюта ҳисобварағи очилгандан кейин унга:

Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан белгиланган шакл бўйича сўровнома-ариза бланкасини;

Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан белгиланган шакл бўйича валюта ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатни топширади.

8. Сўровнома-ариза бланкаси ва валюта ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжат фуқаронинг ўз қўли билан тўлдирилади ва имзоланади. Фуқаронинг имзолари белгиланган тартибда нотариус орқали тасдиқланиши керак.

9. Ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхалари, фуқаронинг нотариал тартибда тасдиқланган имзолари билан, шунингдек фуқаро паспортининг нусхаси (2 ва 3-саҳифалар) фуқаро томонидан депозит валюта ҳисобварағи очилган жой бўйича Халқ банкининг тегишли филиалига қайтарилади.

10. Халқ банкининг тегишли туман, шаҳар филиаллари: фуқаролардан олинган ҳужжатларни махсус реестрда рўйхатдан ўтказилади;

фуқароларга ҳужжатлар олинганлиги тўғрисида ёзма тасдиқнома беради;

бир ҳафта муддатда Агентликка реестрнинг нусхаси илова қилинган ҳолда фуқаролардан тушган ҳужжатларни юборади.

11. Агентлик Халқ банкининг филиалидан ҳужжатлар олингандан кейин икки ҳафта мобайнида Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати талабларига мувофиқ ҳар бир фуқаро бўйича ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини текширади ва ҳар ойда ушбу ҳужжатлар комплексларини дипломатик каналлар орқали Корея Республикаси Миллий пенсия хизматига жўнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборади.

12. Корея Республикаси Миллий пенсия хизматининг тегишли ҳужжатлари олингандан кейин фуқароларга пенсия ажратмаларини қайтариш Корея Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Фуқаролар депозит валюта ҳисобварағига тушган пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз хоҳишларига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир.

13. Халқ банкининг филиали:

уч кун муддатда фуқарони унинг депозит валюта ҳисобварағига Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан маблағ тушганлиги тўғрисида хабардор қилиши;

Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан фуқаронинг депозит валюта ҳисобварағига тушган нақд чет эл валютаси унинг биринчи талаби билан берилишини таъминлаши шарт.

14. Фуқароларнинг Корея Республикасида ишлаган даври Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқни берадиган стажга қўшилади.

15. Фуқаролар зарур ҳужжатларни шахсан расмийлаштириш ва депозит валюта ҳисобварағини очиш имконига эга бўлмаган ҳолларда, ушбу саъй-ҳаракатлар мазкур Низомга ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ:

фуқарони муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисида суднинг қарори қонуний кучга кирган тақдирда — васийлар томонидан;

тегишли муассасаларнинг бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалар мавжуд бўлган тақдирда, — озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ёки қамокда сақланаётган шахсларнинг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Фуқаро вафот этган ҳолларда ҳужжатларни расмийлаштириш унинг меросхўрлари томонидан мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

Қайтарилаётган пенсия ажратмаларини ушбу бандда кўрсатилган шахслар тоифаси бўйича ўтказиш учун депозит валюта ҳисобварақлари очиш чоғида Халқ банкининг филиалларига васийлар ва меросхўрларнинг, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ёки қамокда сақланаётган шахслар вакилларининг тегишли ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар қўшимча равишда тақдим этилади. Халқ банки филиаллари қўшимча равишда тақдим этилган ҳужжатларни Агентликка бошқа ҳужжатлар билан бирга жўнатади.

16. Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан тақдим этилган рўйхатларга киритилган, бироқ ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланмаган шахслар ўзларига пенсия ажратмаларини қайтариш масаласи бўйича Корея Республикаси Миллий пенсия хизматига мустақил равишда мурожаат қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**ҲИСОБ-КИТОБЛАР МАЪЛУМОТНОМАСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
26 ноябрда 1137-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 48-49-сон, 489-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрири), «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҳамда Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 24 апрелда-

ги 215-В ва 02/19-10-сонли қарори билан тасдиқланган «Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом»га (2002 йил 14 май, рўйхат рақами 1137 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Марказий банк  
Бошқаруви раиси  
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.  
215-В-2-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси  
С.НОСИРОВ.  
01-02/19-37-сон

Тошкент ш., 2007 йил 10 ноябрь.

\*2007 йил 6 декабрдан кучга киради.

**ҲИСОБ-КИТОБЛАР МАЪЛУМОТНОМАСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ**

1. 3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Экспорт қилинадиган товарларнинг божхонада расмийлаштирилишига фақат тўлдирилган ҳисоб-китоблар маълумотномаси мавжуд бўлган ҳолдагина йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган омборлардан FOB, EX Warehouse шартлари-

да марказлаштирилган ҳолда юклаб жўнатиш, миллий валюта — сўмда тўлов амалга ошириш шarti билан биржа ва ярмарка савдоларида тузилган контрактлар бўйича ҳамда чет эл валютасида тўлов амалга ошириш шarti билан Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида тузилган экспорт шартномалари бўйича юклаб жўнатиш бундан мустасно».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ ШАКЛИ ВА УЛАРНИ  
ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚОИДАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
29 ноябрда 1744-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 48-49-сон, 493-модда)

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПК-615-сонли «Аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 155-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ буюраман:

\*2007 йил 9 декабрдан кучга киради.

1. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот» шакли 1-сонли иловага мувофиқ;

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот» шаклини тўлдириш бўйича қоидалар 2-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири  
Р.АЗИМОВ.

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 октябрь  
98-сон.

Молия вазирининг  
2007 йил 30 октябрдаги 98-сонли буйруғига  
1-ИЛОВА

**«Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот» шакли  
20\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун**

Аудиторлик ташкилотининг номи	
Почта манзили	
Лицензия тури, рақами ва берилган санаси	
Устав капитали	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами	
Аудиторларнинг жамоат бирлашмасида аъзолиги	
Телефон/факс, E:mail	

**I. Аудиторлик ташкилоти раҳбари**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами
Раҳбарнинг фамилияси, исми ва шарифи	01
Раҳбарнинг лавозимга тайинланган санаси	02
Паспорт маълумотлари ва яшаш жойи	03
Раҳбарга берилган аудитор малака сертификатининг рақами ва санаси	04
Малака ошириш курсини ўтган жойи ва санаси	05
Раҳбарнинг аттестациядан ўтганлиги	06

**II. Ташкилот ходимларининг сони:**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот санасига
1	2	3
Ходимлар сони — жами,	07	
улардан аудиторлар	08	
Шу жумладан:		
а) штатдаги аудиторлар	09	
б) фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган аудиторлар	10	

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот санасига
1	2	3
а) штатдаги аудиторлар	09	
б) фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган аудиторлар	10	

**Аудиторлар тўғрисида маълумот  
(штатдаги ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жалб қилинганлар)**

Аудиторнинг фамилияси, исми ва шарифи	Лавозимга тайинланган сана	Аудитор малака сертификатининг рақами ва санаси	Малака оширишдан ўтган санаси ва жойи
1	2	3	4

**III. Кўрсатилган хизматлар ҳажми**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даврида		Ўтган йилнинг тегишли даврида	
		аудиторлик хизматлари кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	хизматлар суммаси	аудиторлик хизматлари кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	хизматлар суммаси
1	2	3	4	5	6
Аудиторлик хизматлари ҳажми — жами,	11				
шу жумладан:					
а) мажбурий аудиторлик текширувлари	12				
б) ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари	13				
в) профессионал хизматлар	14				

**IV. Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даврида	
		сон	хизматлар суммаси
1	2	3	4
Мажбурий ва ташаббус тарзида аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар — жами,	15		
шу жумладан, асосий фаолияти бўйича хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги соҳаларга тааллуқлилиги:			
саноат (енгил ва озиқ-овқат саноати, электрэнергетика бундан мустасно)	16		
енгил ва озиқ-овқат саноати	17		
электрэнергетика	18		
қурилиш	19		
транспорт, алоқа	20		
қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги	21		
савдо ва умумий овқатланиш	22		
бошқалар	23		

**V. Аудиторлик хулосалари бўйича маълумотлар**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даврида			
		жами	шу жумладан:		аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш
			ижобий хулосалар	салбий хулосалар	
1	2	3	4	5	6
Берилган аудиторлик хулосаларининг сони — жами,	24				
шу жумладан:					
мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган корхоналар бўйича	25				
ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича	26				

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари \_\_\_\_\_  
(фамилияси) (имзо)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
(маълумотларни тўлдириш санаси)

**«АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ»  
ШАКЛИНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА  
ҚОИДАЛАР**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли «Аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 155-модда) қарорига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумотларни (бундан кейинги ўринларда — Маълумотлар) тақдим этиш аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади.

2. Маълумотлар қўлда ёки почта орқали 1 июль ва 31 декабрь ҳолатларига кўра белгиланган санадан кейин 20 кундан кечикмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади. III, IV ва V бобларнинг кўрсаткичлари 31 декабрь ҳолатига йил бошидан буён жамланган ҳолда тўлдирилади.

3. Маълумотларда барча реквизитлар, сатрлар ва устунлар тўлдирилиши лозим. Аудиторлик ташкилотда тегишли маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли у ёки бу сатр (устун), тўлдирилмаган тақдирда, ушбу сатр (устун) чизиқ қўйилади. Маълумотлардаги ёзувлар ёзув машинкалари, механизация воситалари ёки ахборот технологиялари ёрдамида бажарилиши лозим.

4. Маълумотларнинг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Аудиторлик ташкилотининг номи»да — белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Почта манзили»да — белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ почта манзили (почта индекси билан биргаликда) кўрсатилади;

«Лицензиянинг тури, рақами ва берилган санаси»да — рухсат этилган аудиторлик текшируви турини қайд этган ҳолда олинган лицензиянинг санаси ва рақами кўрсатилади;

«Устав капитали»да — амалда шакллантирилган устав капиталининг суммаси кўрсатилади;

«Солиқ тўловчининг идентификация рақами»да — аудиторлик ташкилотининг идентификация рақами кўрсатилади;

«Аудиторларнинг жамоат бирлашмасида аъзолиги»да — аудиторлик ташкилоти аъзо бўлган аудиторларнинг жамоат бирлашмаси кўрсатилади;

«Телефон/факс, e-mail»да аудиторлик ташкилотининг алоқа телефони рақами, электрон почтаси (e-mail)нинг манзили кўрсатилади.

5. Аудиторлик ташкилоти филиалларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар аудиторлик ташкилотининг Маълумотларига киритилиши лозим.

6. Маълумотлар раҳбар томонидан имзоланади ва аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланади.

7. Маълумотларда бўяб тузатишлар ва ўчириб ёзишлар бўлмаслиги лозим. Хатолар тузатилган тақдирда раҳбар томонидан тасдиқланган тегишли изоҳлар берилади.

8. Маълумотларда қийматда ифодаланган кўрсаткичлар минг сўмда, бошқа кўрсаткичлар — бирликда келтирилади.

9. Аудиторлик ташкилоти амалда фаолият кўрсатган вақтдан қатъи назар, Маълумотлар ҳар ярим йилда тўлдирилади.

**II. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ РАҲБАРИ**

10. «Аудиторлик ташкилоти раҳбари» бобида қуйидагилар кўрсатилади:

раҳбарнинг фамилияси, исми ва шарифи (тўлиқ) (01 сатр);

раҳбарнинг лавозимга тайинланган санаси, тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг рақами ва санаси (02 сатр);

паспорт маълумотлари, яшаш жойи (паспорт бўйича) (03 сатр);

аудитор малака сертификатининг рақами ва берилган санаси (04 сатр);

малака ошириш курсларини ўтганлиги тўғрисида маълумотлар: курсларни ўтган санаси, курсларни ўтаган ўқув марказининг номи (05 сатр);

аттестациядан ўтган сана (06 сатр).

**III. ТАШКИЛОТ ХОДИМЛАРИНИНГ СОНИ**

11. 07 сатрда ҳисобот санаси ҳолатига аудиторлик ташкилотда ишлаётган ходимларнинг умумий сони кўрсатилади.

12. 08 сатрда ҳисобот санаси ҳолатига аудиторлик ташкилотда ишлаётган аудиторларнинг сони кўрсатилади. Қайд этилган сон штатдаги аудиторлар (09 сатр) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга (10 сатр) асосан ишлаётган аудиторлар бўйича тақсимланади.

08 сатр 09 ва 10 сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

13. «Аудиторлар тўғрисида маълумот (штатдаги ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жалб қилинганлар)» жадвалида аудиторнинг фамилияси, исми ва шарифи (1 устун), унинг лавозимга тайинланган санаси (2 устун), малака сертификатининг рақами ва берилган санаси (3 устун), аудитор томонидан малака оширилганлиги санаси ва ўтган жойи (4 устун) кўрсатилади.

Жадвалда кўрсатилган аудиторларнинг сони 08 сатрда келтирилган сонга тенг бўлиши лозим.

**IV. КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР ҲАЖМИ**

14. 11 сатрнинг 3 устунда ҳисобот даври мобайнида аудиторлик хизматлари кўрсатилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони, 4 устунда — ҳисобот даври мобайнида кўрсатилган аудиторлик хизматларининг умумий суммаси кўрсатилади. 5 ва 6 устунларда ўтган йилнинг тегишли даври бўйича худди шундай кўрсаткичлар акс эттирилади.

15. 12, 13 ва 14 устунларда мос равишда ҳисобот даврида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари, ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ва профессионал хизматлар бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар сони ва хизматлар суммаси кўрсатилади.

16. 11 сатр 12, 13 ва 14 сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

**V. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ ЎТКАЗИЛГАН  
ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР**

17. «Аудиторлик текширувлари ўтказилган ҳўжалик

юритувчи субъектлар» бобида ҳисобот даври мобайнида текширув ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланишини тавсифлайдиган маълумотлар кўрсатилади.

18. 15 сатрда мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони келтирилади.

15 сатр 16 дан то 23 гача бўлган сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

19. 16 — 23 сатрларда аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидан (15 сатр) фаолият турлари бўйича тақсимланган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўрсатилади.

Ушбу сатрларни тўлдиришда аудиторлик текшируви ўтказилган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун фаолиятнинг фақат бир (асосий) тури танлаб олинади.

Аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолият тури ушбу хўжалик юритувчи субъектга берилган ХХТУТ коди бўйича аниқланади:

а) 16 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Саноат» бўлимида (10000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, энгил ва озик-овқат саноати, электроэнергетика бундан мустасно, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

б) 17 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Энгил ва озик-овқат саноати» бўлимида (17000, 18000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

в) 18 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Электроэнергетика» бўлимида (11100) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

г) 19 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Қурилиш» бўлимида (60000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

д) 20 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Транспорт, алоқа» бўлимида (50000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

е) 21 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги» бўли-

мида (20000, 30000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

ж) 22 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Савдо ва умумий овқатланиш» бўлимида (70000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

з) 23 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича бошқа бўлимлар бўйича ХХТУТ кодига эга бўлган, «а» — «ж» қуйи бандларда қайд этилганлардан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади.

## VI. АУДИТОРЛИК ХУЛОСАЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР

20. 24 — 26 сатрларда ўтказилган мажбурий ва ташаббус тарзида аудиторлик текширувлари натижалари бўйича ҳисобот даври мобайнида берилган аудиторлик хулосалари тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

Аудиторлик текширувини ўтказиш учун тузилган шартноманинг вақтидан, шартнома бўйича амалда бажарилган ишнинг вақтидан ва бундай хизматлар учун ҳақ тўланган вақтдан қатъи назар, аудиторлик хулосасида қайд этилган сана аудиторлик хулосасининг берилган санаси ҳисобланади.

21. 24 сатрнинг 3 устунида берилган аудиторлик хулосаларининг умумий сони кўрсатилади. Ушбу аудиторлик хулосаларнинг кўрсатилган сони қуйидагилар бўйича тақсимланади:

а) мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича (25 сатр);

б) ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича (26 сатр).

22. 24 сатр 25 ва 26 сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

23. Жадвалда 3 устуннинг кўрсаткичлари 4 — 6 устунлар бўйича 70-сонли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси»да (2001 йил 10 март, рўйхат рақами 1016 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон) кўзда тутилган аудиторлик хулосаларининг турлари бўйича тақсимланади.

## VII. ЯКУНИЙ ҚОИДА

24. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ва Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси билан келишилган.

**Ўзбекистон Аудиторлар  
палатаси раиси  
Р.ХАЙДАРОВ.**

**Ўзбекистон Бухгалтерлар ва  
аудиторлар миллий ассоциацияси  
Кенгаши раиси  
М.ТЎЛАХЎЖАЕВА.**

Тошкент ш., 2007 йил 29 октябрь.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 24 НОЯБРДАН 7 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

### **I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:**

1. «Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 24 ноябрдаги 226-мҲ-сонли буйруғи.

**2007 йил 24 ноябрда 1741-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 4 декабрдан кучга киради).**

2. «Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона кўмитасининг 2007 йил 10 ноябрдаги 245-В-2, 01-02/19-37-сонли қарори.

**2007 йил 26 ноябрда 1137-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 6 декабрдан кучга киради).**

3. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/1-сонли қарори.

**2007 йил 27 ноябрда 1648-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 январдан кучга киради).**

4. «Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3189, 15, 132, 8, 206, 17-сонли қарори.

**2007 йил 27 ноябрда 1742-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 декабрдан кучга киради).**

5. «Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3191, 16, 133, 9, 207, 18-сонли қарори.

**2007 йил 27 ноябрда 1743-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 декабрдан кучга киради).**

6. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 30 октябрдаги 98-сонли буйруғи.

**2007 йил 29 ноябрда 1744-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 декабрдан кучга киради).**

7. «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2007 йил 30 октябрдаги 2007-10-сонли буйруғи.

**2007 йил 5 декабрда 1745-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 декабрдан кучга киради).**

8. «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисоб-варақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 17 октябрдаги 93-сонли буйруғи.

**2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 декабрдан кучга киради).**

9. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети фазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режасини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 23 ноябрдаги 102-сонли буйруғи.

**2007 йил 5 декабрда 1570-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 декабрдан кучга киради).**

10. «Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси томонидан пахта шроти ва шелухасини сотиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг 2007 йил 3 декабрдаги 36, 103, 01/19-18/16-ЎзРТСБ-сонли қарори.

**2007 йил 6 декабрда 1623-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 декабрдан кучга киради).**

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварағини очиш ва ёпиш ҳақида вақтинчалик қоидалари ва 1-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан

тасдиқланган (рўйхат рақами 1600, 24.07.2006 й), (рўйхат рақами 1600-1, 25.10.2006 й).

**Адлия вазирининг 2007 йил 5 декабрдаги 233-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.**

# БИЗНЕС Панорама

РЕКЛАМА & АХБОРОТ

«Норма маслаҳатчи» 51 (128)-сон

2007 йил 21 декабрь

“Sanar Motors” МЧЖ KIA Motors нинг Ўзбекистондаги расмий дилери

Товар сертификатланган

**Optima**  
**Carens**  
**Sportage**  
**Cerato**

**KIA MOTORS**  
The Power to Surprise

Автосалон: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А, “Буюк Ипак йўли” метро бекати.  
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975.  
www.kiamotors.com

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

**Rutrans & Partners**

Голландиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

Тел.: (+99871) 250-7951, 250-2086, (+99890) 325-6043

www.rutransenpartners.com

e-mail: by.rutransenpartners@rambler.ru

**Ишчи ва махсус кийим**

**Ишчи ва махсус пойабзал**

**Ёнғинга қарши ускуналар**

**Махсус кийим аксессуарлари**

**Шпанглар ва бутловчи қисмлар**



“ART-FLEX” МЧЖ **ҲАММАСИ ОФИС УЧУН**

- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
  - ТУРЛИ ОФИС ҚОРОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
  - ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
  - ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
  - ЭЛЕКТР ҲЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.
- Тел.: 144-0493, 144-3792, 267-9753, 68-7597

**ЭЪЛОНЛАР**

**КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ**

Кўчатхона пул ўтказиш йўли билан манзарали, игнабаргли, япроқли дарахт ва буталар - қарагайлар, арчалар, қора арча, туя дарахтлари, юккалар, каштанлар, толлар, шамшод, бересклет, ҳинд сирени, Сурия атиргулини сотади.  
Офис ва қишки боғ учун пальмалар: хурмо, трахикарпус, вашигтония.  
